ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ ТАФАККУР ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР



Ф.Н.Жўрақулов
Жиззах давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректор. Сиёсий фанлар доктори, профессор.

Аннотация.

Мазкур мақолада жамиятда сиёсий тафаккур ва маданиятни шакллантиришнинг объектив ва субъектив сабаблари, шарт-шароитлари, унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада глобаллашув жараёнларининг шахс ижтимоий тафаккурига кўрсатаётган ижтимоий таъсири борасидаги фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: жамият, сиёсий тафаккур, маънавият, глобаллашув, таълим-тарбия, инсон омили, сиёсий маданият, ҳуқуқий онг.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бунга, дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши, геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятини ошиб бориши, мафкуравий жараёнлар ва бу борада ёшлар сиёсий маданияти даражаси каби масалаларни мисол келтириш мумкин. Шу боисдан

ҳам жаҳонда ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий жараёнлардан хабардорлигини оширишнинг таъсирчан механизмлари шакл ва усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга моликдир.

Айниқса, ёшларнинг ижтимоий сиёсий ҳаётдаги таъсири даражасини ошириш, уларнинг сиёсий маданиятини креатив ёндашув асосида ривожлантириш долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу миқдор бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан икки ярим баробар кўпдир.

Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизи эса 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Мамлакатимизда ёшларга, уларнинг тараққиёт фаолиятларига эътиборнинг ортиб бораётганлиги сабабли, Давлатимиз раҳбари: "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда"[1], деб алоҳида қайд этди. Шу боис, мамлакатимизда "мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш"[2] ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг сиёсий маданиятини креатив ёндашув асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Маълумки, таълим тизимини такомиллаштириш жамиятимиз тараққиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма давлатлар ва ҳамма замонларда ҳам ижтимоий омиллар, жумладан, демократия, инсонпарварлик тамойиллари жамият аъзоларига руҳий озиқа, маънавий мадад бўлишга даъват этган. Бу тамойил ва қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур тасаввурлар оиладан шакллантирилса, ёшлар онги, тарбияси, уларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида жиддий ижобий ўзгаришлар ясаши шубҳасиз. Қолаверса, ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга креатив ёндашув жамиятнинг маънавий ахлоқий, таълим-тарбия тараққиётида муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида " юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари аввалambор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади" [3], деган фикрлари ёш авлод тарбиясига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ масъулиятли ва бефарқ бўлмасликни талаб этади. Ёшларда сиёсий маданиятни креатив ёндашув асосида шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос томонлари ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш, уни ўрганиш жамиятимизнинг келажакдаги сиёсий ҳолатини қай даражада билишни бахолаш, тасаввур қилишга имкон яратади. Сиёсий маданият халқимизнинг турмуш тарзида, аньанавий маданиятида, миллий дунёқараши ва мафкурасида муҳим ўрин тутади. Ёшларда сиёсий маданиятни тўла қарор топтиришда миллий, маънавий, диний-аҳлоқий, ҳуқуқий ва тарихий меросимизга, мафкурамиз ғояларига таянмоқ керак. Шунинг учун талаба, ёшларни тарбиялашда умумбашарий қадриятларга асосланган қадриятлар, аньаналар, Марказий Осиё мутаффакирлари қарашларига асосламоқ керак. Ислом дининг асоси бўлган Қурьони Карим ва Ҳадиси шариф, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур, Нақшбанд, Ахмад Яссавий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Марғилоний ва бошқа алломалар асарларида олға сурилган ғояларни инсонпарварлик, халоллик, поклик, миллатни севиш, ватан билан ғурурланиш, меҳнатсеварлик, хурфикрлик каби ғояларни ёшлар онгига сингдирмоқ лозим. Ёшларнинг турли ҳуқуқ соҳаси меъёрларини, ҳуқуқий принципларини, давлат органларини, шу жумладан хуқуқни мухофаза қилиш органларини ташкил этиш тартибини ва унинг фаолиятини билиши ёшларда сиёсий маданиятнинг шакллантиришнинг зарур шартидир. Ўзбекистон Республикасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий

дастури» аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш бир томондан жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратишни, иккинчи томондан, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутади. Бундан ташқари сиёсий маданиятни тадқиқ этишда жамоатнинг турли ижтимоий гуруҳларини ўзига хос томонларини чуқур ўрганган ва эътиборга олган ҳолда илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилган ва уни рағбатлантириш назарда тутилган. Мустақиллик йилларида шаклланган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат, ўз яқинларига меҳрибонлик, танлаган йўли, касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутади. Бугунги кунда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг бунёдкорлари сиёсий маданиятли бўлишлари лозим, бунинг учун сиёсий билимли бўлиш керак, албатта. Чунки, сиёсий билимга эга бўлган ва уларни хулқ атворида намоён қиладиган шахсгина сиёсий маданиятли ҳисобланади. Маълумки, сиёсий маданият киши умумий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Маданиятли бўлиш учун қонунга риоя этиш, қонун асосида иш тутиш ҳамда мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларни таҳлил эта олиши лозим. Сиёсий маданиятга эга бўлишда сиёсий онгнинг ўрни муҳимдир. Сиёсий онг – ижтимоий онг шаклларидан биридир, яъни бу кишиларнинг жамиятдаги сиёсий жараёнлар ва ундаги ҳуқуқ, қонунга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлари, ғоялари йиғиндисидир. Демак, инсон адолатни ҳис этиши, жиноят ва ғайриқонуний қилмишларга нафрат билан қараши лозим. Сиёсий маданият нималардан ташкил топган? Ҳар қандай уй каби сиёсий маданият биноси ҳам пойдеворга таянади. Сиёсий маданиятнинг пойдеворига қуйидагилар киради: -ижтимоий-сиёсий жараёнлар; -ахлоқий-маънавий қарашлар; -эътиқод, ишончлар. Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш учун қуйидаги манбалардан фойдаланиш жуда катта самара беради. Булар:

- буюк алломаларнинг ўгитлари, ғоялари ва асарлари;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, нутқлари ва маърузалари;
- Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро конвенциялар;
- фанларга оид дарсликлар, адабиётлар.

Аввало, инсонни бахт-саодатли жамоанинг аъзоси қилиб тарбиялаш учун изчиллик билан иш олиб бориш лозим. Таълим-тарбия инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, мукаммал киши қилиб тайёрлашга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим тарбиянинг бирдан-бир вазифаси жамият талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсонни тайёрлашдир. Сиёсий маданиятлиликни шакллантириш учун саводхонликни ошириш лозим. Ёшларда сиёсий саводхонликни ошириш учун қуйидаги ишларни йўлга қўйиш зарурий эҳтиёждир. Биринчидан, ёшлар таълимнинг турли соҳаларида иштирок этишлари билан ўзларининг билим даражаларини ошириб боришади. Улар турли фан соҳаларидаги билимлар билан бирга сиёсий билимлар берадиган фанлардан ҳам хабардор бўлиб боради. Ўқув муассасаларида берилаётган билимлар мамлакатимиз ёшларининг сиёсий маданиятининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий билимларни ўрганувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб боргани сари, мамлакатимизда аҳолининг сиёсий маданияти даражаси ҳам шунчалик юқори бўлиб бораяпти. Иккинчидан, сиёсий саводхонлик ёшлар жамиятнинг сиёсий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этишидир. Ҳар бир ўқувчи сиёсий муносабатлар, сиёсий мавзуларда бўладиган суҳбатлар, йиғилишлар, тадбирларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бундай мулоқот ва муносабатлар шахс онгига таъсир этиб, сиёсий маданиятнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, таълим тизимида ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш орқали:

биринчидан, мамлакатимизда демократик сиёсий давлатнинг сиёсий асослари мустаҳкамланади;

иккинчидан, ёшларимизда сиёсий билимларни ўз кундалик ҳаётида қўллаш амалиёти такомиллашади;

учинчидан, ёшларнинг сиёсий онги ва маданияти янада юксалади. Сиёсий маданиятни мунтазам бойитиб бориш, изчил сиёсий ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, оилада ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш тизимига креатив ёндашув муҳим ижтимоий жараён бўлиб, ёшларимизда объектив воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли муносабат, мустақил фикрлаш, тафаккур қилишни тарбиялашга хизмат қилиши билан бирга, бузғунчи, вайронкор ғояларни четлаб ўтиб, ижтимоий характерга эга бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган, жамиятнинг ахлоқий-маънавий мажбуриятларини ўз ичига қамраб олган шахснинг сиёсий тамойиллари, сиёсий онг мулоҳазалари ёки майлларини бошқариш, инсоннинг умумий бахт-саодатга йўналтирилган фаолияти адолат ва эркинликка хизмат қилувчи жамиятни ишлаб чиқиш, ижтимоий ва маънавий ҳаётда қўлга киритган ютуқлар, миллий ва маънавий қадриятларимизни эъзозлаб, асраб-авайлашни ўзига дастуруламал қилиб олади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. У ёки бунисининг йўқлиги тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида тўпланган тажрибаларига таяниб, ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш йўлида давлат ҳамда жамият қурилишининг энг асосий вазифаларини амалга ошириб бормоқда. Халқимиз ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари ва ҳаётий тажрибаси, яратган оғзаки ва ёзма ижод намуналари, асарларида ёрқин ифодаланди. Бу фикр ва ғоялар, тарихий, ижтимоий шароит замиридан келиб чиққан бўлиб, умумбашарий хусусият касб этди, босқичма-босқич ривожланди, халқнинг эзгу орзу ниятларининг ифодаси бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. w.w.w.prezident.uz.